

**Шартнома № 01**  
**Қурилиш назорат ўлчови ўтказиш учун**

3 ноябрь 2022 йил

Тошкент шаҳри

“New control group” МЧЖ бундан кейин “Ижрочи” деб юритилади, Низом асосида иш юритувчи бир томондан деректор А.Алибаев ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги бундан кейин “Буюртмачи” деб юритилади Низом асосида иш юритувчи вазир ўринбосари А.Мухаммадиев эса биргаликда “Томонлар” деб аталадиган ушбу шартномани (кейинги ўринларда “Шартнома” деб юритилади) қуйидагича туздилар:

**1. Шартноманинг предмети**

**1.1.** Ушбу Шартнома бўйича Ижрочи Буюртмачининг топшириғига асосан ушбу шартноманинг 1.2-бандида кўрсатилган хизматларни кўрсатиш, Буюртмачи эса кўрсатилган хизматлар учун тўловларни амалга ошириш мажбуриятини олади.

**1.2.** Кўрсатиладиган хизмат номи: “Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги маъмурий биносини (Тошкент шаҳар, Миробод тумани, А.Темур шоҳ кўчаси, 16а-уй) капитал таъмирлаш юзасидан қурилиш назорат ўлчови (ҚҚС билан суммаси 6,5 млрд.сўм) ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Интеллектуал мулк агентлиги маъмурий биносини (Тошкент шаҳар, Шайхонтохир тумани, Хадра массиви, 33-уй) реконструкция ишларини юзасидан қурилиш назорат ўлчови (ҚҚС билан суммаси 14,1 млрд.сўм))” объектнинг умумий қиймати: ҚҚС билан **20,6 (Йигирма миллиард олти юз миллион) сўм**, бажарилган қурилиш-монтаж ишларининг назорат ўлчовини амалга ошириш.

**1.3.** Ижрочи ушбу шартнома бўйича бажарилган қурилиш-монтаж ишларининг назорат ўлчов ишларини (хизматлар кўрсатишни) қурилиш соҳасига оид амалдаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, шу жумлада Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги меъёрий ҳужжатлари, мутахассис ходимлари томонидан қурилиш (қайта таъмирлаш, таъмирлаш) объектларида бажарилган қурилиш-монтаж ишларини, монтажга топширилган ускуналарни (буюртмачи ёки пудратчи) томонидан тақдим килинган қурилиш-монтаж ишларига тегишли булган ҳужжатларга биноан асосланган ҳолда амалга оширади.

**2. Хизматларни кўрсатиш муддати**

**2.1.** Буюртмачи Шартноманинг 4.2.1.-бандига мувофиқ аванс тўловини тўлаганидан кейин Ижрочи 3 иш кунидан кечиктирмай хизматлар кўрсатишни бошлайди, шунингдек, 19 кун ичида ишларни бажариб берилади.

Хизмат кўрсатиш муддати:

**2.2.** Буюртмачи томонидан ушбу шартноманинг 3.2-бандида кўрсатилган миқдорда олдиндан тўлов амалга оширилган ҳамда мазкур шартноманинг 2-иловасида келтирилган рўйхатга асосан ҳужжатларни тақдим этган вақтдан 2022 йил «31» декабрга қадар. Ижрочи ушбу шартномада кўрсатилган хизматларни муддатидан олдин кўрсатиш ҳуқуқига эга.

Ижрочига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра ҳужжатларнинг тақдим этилиши кечиккан ҳолда, шартноманинг ижро этиш муддати 1 ойгача узайтирилиши мумкин.

**2.3.** Агар миждоз 4.2-бандда кўрсатилган миқдорни тўламаган бўлса ушбу Шартноманинг 4.2-бандида кўрсатилган муддат тугаганидан кейин 10 банк куни ичида Шартномага мувофиқ, Томонлар Ижрочи томонидан қурилиш назорат ўлчови хизматларини кўрсатиш шартларини ва Буюртмачи томонидан уларни тўлаш шартларини кўриб чиқишлари шарт.

**3. Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

**3.1.** Ижрочининг мажбуриятлари:

**3.1.1.** Хизмат кўрсатишни лозим ва юқори профессионал даражада амалга ошириш.

**3.1.2.** Ушбу шартноманинг 2.1-бандида кўрсатилган муддатда ва тўлиқ ҳажмда хизмат кўрсатишни амалга ошириш лозим.

**3.1.3.** Хизмат кўрсатиш жараёнида хизмат кўрсатиш сифатига салбий таъсир кўрсатадиган даражада Ижрочи шартнома шартларидан четлашган бўлса Буюртмачининг талабига асосан 5 кун давомида аниқланган барча нуқсонларни бартараф этиш.

**3.1.4.** Хизматларни шахсан амалга ошириш, Буюртмачининг ёзма розилигисиз бошқа юридик шахсларни жалб этмаслик.

**3.1.5.** Назорат ўлчовлари натижалари бўйича Буюртмачига назорат ўлчовларига оид материалларни ҳамда топшириш-қабул қилиш далолатномасини ҳамда ҳисоб-фактурани ёзма равишда топшириш.

**3.2.** Ижрочининг ҳуқуқлари:

**3.2.1.** Буюртмачи томонидан ушбу шартноманинг 3.2-бандида кўрсатилган олдиндан тўлов амалга оширилгандан сўнг мазкур шартноманинг 2-иловасидаги Рўйхатга асосан ҳужжатларнинг ўз вақтида тақдим этилишини инobatга олиб хизмат кўрсатишни бошлаш.

**3.2.2.** Буюртмачидан белгиланган тартибда назорат ўлчовини ўтказиш учун мазкур шартноманинг 2-иловасидаги Рўйхатга асосан зарур бўладиган тўлиқ ва аниқ ҳужжатларни талаб қилиш.

**3.2.3.** Ўз ишини мустақил ташкил этиш, назорат ўлчовини ўтказиш усулларини ҳамда мутахассислар таркибини танлаш.

**3.2.4.** Хизмат кўрсатиш жараёнида юзага келадиган саволлар бўйича Буюртмачининг жавобгар шахсларидан тушунтиришлар олиш.

**3.3.** Буюртмачининг мажбуриятлари:

**3.3.1.** Ушбу Шартноманинг 3-бўлимида кўрсатиб ўтилган тартибда хизматлар учун тўловларни амалга ошириш.

**3.3.2.** Ижрочининг талабига асосан мазкур шартноманинг 2-иловасидаги Рўйхат бўйича ҳужжатларни тўлиқ ҳажмда ҳамда назорат ўлчовларини ўтказиш учун керакли бўлган муддатда тақдим этиш.

**3.3.3.** Ўз ходимлари ва пудратчилар вакилларининг иштирокини таъминлаш.

**3.3.4.** Ижрочидан Топшириш-қабул қилиш далолатномасини олган кундан эътиборан 5 кун давомида кўрсатилган хизматлар натижаларини қабул қилиб олиш.

**3.4.** Буюртмачининг ҳуқуқлари:

**3.4.1.** Ижрочи томонидан амалга оширилаётган назорат ўлчовининг амалга оширилиши ва сифатини унинг фаолиятига аралашмаган ҳолда исталган пайтда текшириш.

**3.4.2.** Ижрочидан назорат ўлчови материалларини, ушбу Шартноманинг бажарилиши ва ижроси натижалари бўйича маълумотларни талаб қилиш ва олиш.

**3.4.3.** Объектда бажарилган курилиш-монтаж ишларининг назорат ўлчови амалга оширилиш жараёнида қатнашиш.

**4. Ҳисоб-китобларни амалга ошириш шартлари ва тартиби**

**4.1.** Ушбу Шартнома баҳоси 3-иловага асосан ҚҚСсиз **109 000 000 (бир юз тўққиз миллион)** сўмни ташкил қилади.

**4.2.** Шартнома бўйича Ижрочига ҳақ тўлаш Буюртмачи томонидан қуйидагича амалга оширилади:

**4.2.1.** Шартнома имзоланган кундан бошлаб 10 иш куни ичида Буюртмачи Ижрочининг ҳисоб-китоб ҳисобварағига 4.1-бандда кўрсатилган сумманинг 30 фоизи миқдорида аванс тўловини ўтказди.

**4.2.2.** Шартномада кўрсатилган сумманинг қолган 70% назорат ўлчови далолатномаси таништирилган кундан сўнг счет фактура юборилиб, тўлов амалга оширилади.

**4.3.** Ушбу Шартнома бўйича кўрсатиладиган хизматлар ҳажми ошганда ёки камайган тақдирда шартнома баҳоси қабул қилинган тариф ставкаси бўйича бажарилган хизматларни топшириш-қабул қилиш далолатномасида тегишли ўзгартиришлар акс эттирилиши йўли билан ўзгартирилиши лозим.

## **5. Кўрсатилган хизматларни етказиб бериш ва қабул қилиш тартиби**

**5.1.** Хизматлар кўрсатилгандан (назорат ўлчови бўйича ишлар бажарилгандан) сўнг Ижрочи Буюртмачига кўрсатилган хизматлар (бажарилган ишлар)ни топшириш-қабул қилиш далолатномасини тақдим этади.

Буюртмачи Ижрочидан олган санадан бошлаб 5 кун давомида кўрсатилган хизматлар натижаларини қабул қилиш ва топшириш-қабул қилиш далолатномасини имзолаш мажбуриятини олади.

**5.2.** Ижрочи хизмат кўрсатиш жараёнида хизмат кўрсатишни давом эттириш имконияти йўқлиги ёки хизмат кўрсатишнинг мақсадга мувофиқ эмаслигини аниқлаган тақдирда бу ҳақда Буюртмачига хабар бериши ва зарурий чораларни кўриши лозим.

**5.3.** Буюртмачи ёки унинг ваколатли вакили томонидан кўрсатилган хизматларни топшириш-қабул қилиш далолатномаси имзолангандан сўнг хизматлар кўрсатилган ҳисобланади.

## **6. Томонларнинг жавобгарлиги**

**6.1.** Шартнома шартларини бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун Ижрочи ва Буюртмачи ушбу Шартнома шартлари ва Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ мулкий жавобгар бўладилар.

**6.2.** Ижрочи Буюртмачи томонидан тақдим этилган ахборот материалларининг мазмуни учун жавобгар эмас.

**6.3.** Хизматлар учун тўлов шартлари бузилган тақдирда, Буюртмачи Ижрочига 4.1-бандда кўрсатилган иш ҳақи миқдорининг 0,4% миқдорида пеня тўлайди. шартнома бўйича, кечиктирилган ҳар бир кун учун, шу билан бирга пенянинг умумий миқдори шартноманинг 4.1-бандда кўрсатилган миқдорининг 50 фоизидан ошмаслиги керак.

**6.4.** Ижрочи, Шартнома бўйича хизматлар кўрсатиш шартларини бузган тақдирда, Буюртмачига шартноманинг 4.1-бандда кўрсатилган миқдорининг 0,5% миқдорида пеня тўлайди. Шартноманинг кечиктирилган ҳар бир куни учун, шу билан бирга пенянинг умумий миқдори шартноманинг 4.1-бандда кўрсатилган миқдорининг 50 фоизидан ошмаслиги керак. Ижрочи Шартнома бўйича хизматлар кўрсатиш шартларини бузганлик учун жавобгар бўлмайди, агар бундай бузилиш Буюртмачи томонидан ушбу Шартноманинг 3.3.1-бандида назарда тутилган қарши мажбуриятларни бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги натижасида юзага келган бўлса.

**6.5.** Ижрочи назорат ўлчовидан кейинги аниқланган камчиликлар бўйича назорат қилувчи органлар олдида жавобгарликни ўз зиммасига олади.

## **7. Томонларнинг жавобгарлигини истисно қилувчи ҳолатлар**

**7.1.** Томонларнинг ҳеч бири форс-мажор ҳолатларининг (форс-мажор) юзага келиши билан боғлиқ бўлган ва ўзи олдиндан кўра олишга қодир бўлмаган мажбуриятларини бажармаганлиги ва ёки лозим даражада бажармаганлиги учун ушбу Шартнома бўйича жавобгар бўлмайди. Бундай ҳолатлар қуйидагилардир: табиий офатлар (ёнғинлар, сув тошқини, зилзилалар ва бошқалар), ижтимоий низолар (иш ташлашлар, урушлар ва бошқалар), шунингдек, тақдим этилган ишларни бажаришни сезиларли даражада мураккаблаштирадиган, чеклайдиган ёки тақиқловчи қонун ҳужжатларининг кучга кириши.

**7.2.** Агар форс-мажор ҳолатлари 2 (икки) ойдан ортиқ вақт давомида мавжуд бўлса, унда Иштирокчиларнинг ҳар бири ушбу Шартнома бўйича мажбуриятларни тўлиқ ёки қисман бажаришни рад этишга ҳақли ва бу ҳолда ҳеч бир томон талаб қилишга ҳақли эмас.

## **8. Коррупцияга қарши қўшимча шартлар**

**8.1.** Тарафлар шартнома тузишда, шартноманинг амал қилиш муддатида ва ушбу муддат тугагандан сўнг, шартнома билан боғлиқ коррупциявий ҳаракатлар содир қилмасликка келишиб оладилар.

**8.2.** Тарафлар шартномадаги коррупцияга қарши қўшимча шартларда белгиланган коррупциянинг олдини олиш чораларини тан олади ва уларга риоя этилиши бўйича ҳамкорликни таъминлайдилар.

**8.3.** Ҳар бир тараф шартнома тузилган пайтда бевосита ўзи ёки унинг ижроия органлари, мансабдор шахслари ва ходимлари томонидан шартнома билан боғлиқ муносабатлар юзасидан қонунга хилоф равишда пул, моддий қийматликлар берилмаганлигини, шартнома тузилиши эвазига норасмий пул ёки бошқа моддий қийматликлар олинишига йўл қўйилмаганлигини, таклиф этилмаганлигини, уларни беришга ваъда қилинмаганлигини, шунингдек моддий ёки ҳар қандай турдаги имтиёз, устунликлар олинмаганлигини (келажакда бу турдаги ҳаракатларни амалга ошириши мумкинлиги ҳақида таассурот қолдирилмаганлигини) кафолатлайди. Тарафлар, улар томонидан шартнома доирасида жалб қилинган шахсларнинг (ёрдамчи ижрочи ташкилотлар, агентлар ва тарафлар назорати остидаги бошқа шахсларнинг) юқоридаги ҳаракатларни содир этмаслиги юзасидан оқилона чоралар кўради.

**8.4.** Тарафлар давлат хизматчилари, сиёсий партиялар, шунингдек ўзларининг ижроия органлари, мансабдор шахслари ва ходимлари томонидан ҳар қандай вақт ва шаклда қуйидаги ҳаракатларни бевосита ёки билвосита (шу жумладан, учинчи шахслар орқали) содир этилишига йўл қўймайди: а) назорат қилувчи органлардан лицензия ва рухсатномалар олиш, солиқ солиш, божхона расмийлаштирувини амалга ошириш, судда иш кўрилиши, қонунчилик жараёни ва бошқа соҳаларда қонунга хилоф равишда тижорат ёки бошқа тусдаги устунликка эга бўлиш ёки сақлаб қолиш мақсадида юқоридаги шахслар фойдасига ёки улар томонидан моддий ёки номоддий наф олишнинг таклиф этилиши, ваъда қилиниши, берилишига; б) қонунга хилоф равишда олинган даромадларнинг легаллаштирилишига, шунингдек, агар мулк жинойий фаолиятдан олинган даромад эканлиги тарафларга маълум бўлса, уни ўтказиш, мулкка айлантириш, ёхуд алмаштириш йўли билан унинг келиб чиқишига қонуний тус бериш, бундай пул маблағлари ёки бошқа мол-мулкнинг асл хусусиятини, манбаини, турган жойини тасарруф этиш, кўчириш усулини, пул маблағларига ёки бошқа мол-мулкка бўлган ҳақиқий эгалик ҳуқуқларини ёки унинг кимга қарашлилигини яширишга; в) коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик содир қилиш учун таъмагирлик қилиш, ундаш, тазйиқ ўтказиш ёки таҳдид қилиш. Ушбу ҳолат бўйича бир тараф иккинчи тарафни ҳамда ваколатли давлат органларини дарҳол хабардор қилиши шарт.

**8.5.** Тарафлар товарлар, ишлар ва хизматларни реализация қилиш ва ўтказишда битимлар тузиш бўйича музокаралар олиб боришда, лицензия, рухсатномалар ва бошқа рухсат этиш хусусиятига эга бўлган ҳужжатларни олишда ёки уларнинг манфаатларини кўзлаб бошқа ҳаракатларни амалга оширувчи тарафларнинг назорати остида бўлган ва улар номидан ҳаракат қиладиган шахсларга (шу жумладан, ёрдамчи ижрочилар, агентлар, савдо вакиллари, дистрибьюторлар, ҳуқуқшунослар, ҳисобчилар, улар номидан ҳаракат қилувчи бошқа вакилларларга) нисбатан қуйидаги ҳаракатларни амалга оширишлари шарт: — коррупциявий ҳаракатларга йўл қўйиб бўлмаслиги ва коррупциявий ҳаракатларга нисбатан муросасиз муносабатда бўлиши шартлиги ҳақида кўрсатмалар ва тушунтиришлар бериш; — улардан коррупциявий ҳаракатларни амалга ошириш учун воситачи сифатида фойдаланмаслик; — уларни фақат тарафларнинг оддий кундалик фаолияти жараёнидаги ишлаб чиқариш зарурати доирасидан келиб чиқиб ишга жалб қилиш; — уларга қонунчилик доирасида амалга оширган хизматлари учун белгиланган ҳақ миқдоридан асосиз равишда ортиқча тўловларни амалга оширмаслик.

**8.6.** Тарафлар уларнинг назорати остида бўлган ва улар номидан ҳаракат қиладиган шахслар томонидан коррупцияга қарши қўшимча шартларда белгиланган мажбуриятлар бузилганлиги ҳолатлари ҳақида хабар берилганлиги учун уларга тазйиқ ўтказилмаслигини кафолатлайдилар.

8.7. Агар бир тарафга бошқа тарафнинг коррупцияга қарши қўшимча шартларнинг 7.4- ва 7.5-бандларида белгиланган мажбуриятларни бузилишига йўл қўйилганлиги маълум бўлиб қолса, иккинчи тарафни бу ҳақда зудлик билан хабардор қилиши ва ушбу тарафдан оқилона муддат ичида тегишли чоралар кўрилишини ва амалга оширилган ишлар юзасидан унга хабардор қилишини талаб қилиши шарт. Тарафнинг талаби бўйича иккинчи тараф томонидан қоидабузарликларни бартараф қилиш бўйича оқилона муддат ичида тегишли чоралар кўрилмаган ёки кўриб чиқиш натижалари ҳақида хабардор қилмаган тақдирда, ушбу тараф зарарни тўлиқ қоплаб беришни талаб қилишга ҳақли.

### 9. Яқуний қодалар

9.1. Шартнома ҳар икки томоннинг ваколатли вакиллари томонидан имзоланган пайтдан бошлаб кучга киради ва томонлар учун мажбурий бўлади.

9.2. Шартнома имзолангандан сўнг, ушбу Шартноманинг предмети билан боғлиқ масалалар бўйича томонларнинг олдинги барча дастлабки келишувлари, музокаралари ва ёзишмалари ҳақиқий эмас деб ҳисобланади.

9.3. Шартноманинг барча иловалари ваколатли шахслар томонидан имзоланган пайтдан бошлаб унинг ажралмас қисми ҳисобланади.

9.4. Шартнома томонлар у бўйича ўз мажбуриятларини тўлиқ бажармагунча амал қилади.

9.5. Шартномага ўзгартиришлар киритиш ва бекор қилиш томонларнинг келишуви билан, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексида назарда тутилган ҳолларда мумкин.

9.6. Тинчлик йўли билан ҳал этилмаган барча низо ва келишмовчиликларни томонлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги нормаларига мувофиқ судда ҳал қиладилар.

9.7. Шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган икки нусхада тузилган, томонларнинг ҳар бири учун биттадан.

9.8. Шартноманинг амал қилиш муддати 2022 йил 31 декабргача.

### 10. Тарафларнинг манзиллари ва реквизитлари:

#### Ижрочи

“New control group” МЧЖ

Юридик манзил: Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур

туман, А.Навоий кўчаси 44а-уй 424-хонадон.

Телефон: +99891-252-18-68

х/р: 20208000105181130001


Банк реквизитлари: АТ Халқ банки

Шайхонтоҳур филиали,

МФО: 00300,

СТИР: 307142481,

#### Буюртмачи



Директор  А.Алибаев  


Вазир  
ўринбосари  А.Мухаммадиев  


Юрифт; Э. Ш. Мунаев

2022 йил 25 октябрдаги 01-сонли ҳақ  
эвазига хизмат кўрсатиш бўйича  
шартномага 3-илова

Кўрсатиладиган хизматлар баҳосининг

ҲИСОБ-КИТОБИ

Иш ва хизматлар номи	Иш ва хизматлар ҳажми (сўм)	Тариф ставкаси %	Кўрсатиладиган хизматлар баҳоси (сўм)	ҚҚС суммаси (сўм)	Кўрсатиладиган хизматлар баҳоси (ҚҚС сиз) (сўм)
Объектларда назорат ўлчови қурилиш-монтаж ишлари	Хизмат	100	109 000 000	0	109 000 000

Ижрочи

“New control group” МЧЖ



Директор

А.Алибаев

Буюртмачи

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги



Вазир  
ўринбосари

А.Мухаммадиев

2022 йил 25 октябрдаги 01-сонли назорат  
ўлчови ўтказиш бўйича шартномага 2-илова

**Назорат ўлчови ўтказиш учун буюртмачи томонидан тақдим этилиши  
лозим бўлган ҳужжатлар рўйхати**

1. Буюртмачи вакили ёки вакилларига назорат ўлчовида қатнашиш ва далолатномани имзолаш ҳуқуқини берувчи буйруқ.
2. Қурилиш-монтаж ишларини амалга ошириш учун асос бўлган ҳужжатлар.
3. Ойлик кесимида пудратчилар томонидан бажарилган ишлар реестри.
4. Лойиҳалашга топширик ва нуқсон далолатномасини инобатга олган лойиҳа-смета ҳужжатлари (ЛСХ).
5. ЛСХга ноидоравий экспертиза ташкилотининг эксперт хулосаси.
6. Қурилиш-монтаж ишларини амалга ошириш шартномаси.
7. Ишлар тури бўйича таснифланган расшифровка қилинган бажарилган қурилиш-монтаж ишлари қиймати ҳақидаги ҳисоб-фактура маълумотномалари.
8. Кўзга кўринмайдиган (ёпиқ) ва бузиб олиш (демонтаж) ишлари далолатномалари, шунингдек бузилиш жараёнида фойдаланишга яроқли бўлган қурилиш материаллари қирим ҳужжатлари.
9. Ижро чизмалари, техник ва ижро ҳужжатлари.
10. Танлов савдоларида ғолиб чиққан пудрат ташкилотларининг оферталари (конкурс ҳужжатларини инобатга олган ҳолда), ғолиб бўлганлиги тўғрисида тендер комиссиясининг баённомаси, зарурий ҳолларда қолган даъвогарларнинг оферталари.
11. Бажарилган ишлар ва тўловлар бўйича маълумот.
12. Иш турлари бўйича бажарилган ишлар далолатномаси йиғмаси (электрон кўринишида).

**Назорат ўлчови ўтказиш учун пудратчи томонидан тақдим этилиши  
лозим бўлган ҳужжатлар рўйхати**

1. Пудратчи вакили ёки вакилларига назорат ўлчовида қатнашиш ва далолатномани имзолаш ҳуқуқини берувчи буйруқ.
2. Ойлик кесимида пудратчилар томонидан бажарилган ишлар реестри.
3. Қурилиш-монтаж ишларини амалга ошириш шартномаси.
4. Ишлар тури бўйича таснифланган бажарилган қурилиш-монтаж ишлари қиймати ҳақидаги ҳисоб-фактура маълумотномалари.
5. Ишлатилган қурилиш материаллари бўйича юк хатлари ва ҳисоб-фактуралар.
6. Тайёрланган ва қурилишда ишлатилган материаллар ва конструкциялар бўйича калькуляциялар.
7. Пудрат ташкилотининг бошқа ҳаражатлари ҳисоб-китоблари.
8. Транспорт ва омбор ҳаражатларига ҳисоб-китоблар.
9. Кўзга кўринмайдиган (ёпиқ) ва бузиб олиш (демонтаж) ишлари далолатномалари, шунингдек бузилиш жараёнида фойдаланишга яроқли бўлган қурилиш материаллари қирим ҳужжатлари.
10. Ижро чизмалари, техник ва ижро ҳужжатлари.
11. Танлов савдоларида ғолиб чиққан пудрат ташкилотларининг оферталари (конкурс ҳужжатларини инобатга олган ҳолда), ғолиб бўлганлиги тўғрисида тендер комиссиясининг баённомаси, зарурий ҳолларда қолган даъвогарларнинг оферталари.
12. Бажарилган ишлар ва тўловлар бўйича маълумот.
13. Иш турлари бўйича бажарилган ишлар далолатномаси йиғмаси (электрон кўринишида).

**Томонларнинг имзолари ва муҳрлари**

**Ижрочи**  
**“New control group” МЧЖ**



*(Handwritten signature)*

**А.Алибаев**

**Буюртмачи**  
**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги**



**Вазир**  
**Ўринбосари**

*(Handwritten signature)*

**А.Мухаммадиев**

**ТЕХНИК ТОПШИРИҚ (Назорат ўлчови учун)**

**Объект номи:** Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги маъмурий биносини (Тошкент шаҳар, Миробод тумани, А.Темур шох кўчаси, 16а-уй) капитал таъмирлаш юзасидан қурилиш назорат ўлчови (пудрат шартномаси суммаси 6,5 млрд.сўм).

**Объект номи:** Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Интеллектуал мулк агентлиги маъмурий биносини (Тошкент шаҳар, Шайхонтохир тумани, Хадра массиви, 33-уй) реконструкция ишларини юзасидан қурилиш назорат ўлчови (пудрат шартномаси суммаси 14,1 млрд.сўм).

**Объект Буюртмачи :** Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги

**Ижрочи:** “New control group” МЧЖ

**Ижрочининг вазифаси:**

қурилиш лойиҳаси бўйича тузилган шаҳарсозлик ҳужжатлари ва ҳисоботларнинг тўлиқлиги ва тўғрилигини текширади;

лойиҳа ҳужжатлари, бажарилган ишлар бўйича таклифлар ва ҳисоб-фактуралар асосида қурилиш майдончасида ҳақиқатда бажарилган жисмоний ишларнинг ҳажмини ўлчайди;

шартнома асосида назорат ўлчови натижаларига кўра, лойиҳа ҳужжатларида, таклиф ва ҳисоботларда назарда тутилган иш турлари бўйича амалда бажарилган иш турларини белгилайди;

назорат ўлчовлари натижасида қурилиш объектида ҳақиқатда бажарилган ишлар ҳажмида лойиҳадан четга чиқишларни кўрсатади;

қурилиш объектларида ҳажм, ҳисоб-китоб, техник кўрсаткичлар буюртмачи ва ижрочи ўртасидаги расмий келишув, шартнома, таклиф, лойиҳа ҳужжатлари ва ҳисоботлар асосида қўлланилишини текширади;

ҳисоботда кўрсатилган алоқа ускуналари ва тизимлари синовдан ўтганлигини текширади;

назорат ўлчовлари натижаларининг махфийлигини таъминлайди;

ҳисоботлар ва бошқа ҳисоб-китоблардаги арифметик хатоларни текширади.

**Буюртмачи вазифаси:**

барча керакли ҳужжатлар ва маълумотларни ўз вақтида тақдим этиш.

**Мақсад:**

туғалланган далолатномаларга мувофиқ амалда бажарилган қурилиш-монтаж ишларини аниқлаш (шакл-5).

қурилиш-монтаж ишларини бажариш ва бажариш жараёнида йўл қўйилган қоидабузарликлар ва қўшимчаларни ўз вақтида бартараф этиш.

**Тақдим этиладиган маълумотлар ва дастлабки ҳужжатлар:**

тендер ҳужжатлари;

бажарилган иш далолатномаси (шакл-5);

тасдиқланган ҳисоб-фактура (Ф-3);

қурилиш-монтаж ишлари бўйича шартнома;

ҳаражатлар сметаси;

эксперт хулосаси;

қайта ҳисоблаш учун экспертиза хулосаси;

яширин ишлар далолатномалари, ижро ҳужжатлари;

**Буюртмачининг махсус шартлари:**

назорат ўлчови жараёнида аниқланган қоидабузарликларни бартараф этиш;

ижрочи назорат ўлчовидан кейинги аниқланган камчиликлар бўйича назорат килувчи органлар олдида

жавобгарликни ўз зиммасига олиш;

**Ижрочининг махсус шартлари:**

Буюртмачи вакили назорат ўлчовига ҳамроҳлик қилиш.

**Муддати:** шартномага мувофиқ.

Ижрочи  
“New control group” МЧЖ  
Директор  
А.Алибаев



Буюртмачи  
Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги  
Вазир  
ўринбосари  
А.Мухаммадиев

